

Истиффорнинг хосияти



15:47 / 03.03.2023 6674

1. Аллоҳга итоатгўй банда истиффор айтади;
2. Истиффор айтган банда пайғамбарлар, солиҳлар йўлидан юради;
3. Истиффор айтган одам имон ҳаловатига эришади;
4. Истиффор бандани гуноҳлардан поклайди;
5. Истиффор айтган одамнинг гуноҳлари савобли ишларга алмаштирилади;
6. Истиффор айтган одамга неъматлар кўпайтириб берилади;
7. Истиффор банданинг мартабасини кўтаради;
8. Бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик олиб келади;
9. Истиффор туфайли одамлар ҳам, жамият ҳам бузуқликлардан покланади;
10. Истиффор ёмғир ёғишига сабаб бўлади;
11. Мол-дунёга барака киритади;
12. Истиффор айтган инсон фарзанд неъматини билан сийланади;

13. Деҳқончилик, чорвачиликдаги унумдорлик ҳам истиффор айтиш билан узвий боғлиқ;
14. Истиффор айтувчи жаҳаннамдан нажот топади;
15. Истиффор банданинг жаннатга киришига сабаб бўлади;
16. Истиффор Аллоҳнинг раҳмати тушишига, банда ҳолати ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлади, яхшиликларни кўпайтиради;
17. Истиффор танани бақувват, соғлом қилади, касалликларни аритади;
18. Истиффор айтган одамнинг ҳаёти фаровон бўлади;
19. Истиффор билан ватан тинч бўлади, эл-юрт тараққий этади;
20. Истиффор инсон кўнглини хотиржам қилади;
21. Бошга тушган балоларни даф этади;
22. Бандани Аллоҳга яқинлаштиради;
23. Истиффор айтган одам Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлади;
24. Истиффор мажлис каффоратидир;
25. Истиффор ғийбатга каффорат бўлади;
26. Шайтон васвасасини қайтаради;
27. Аллоҳ истиффор айтган бандани яхши кўради;
28. Истиффор айтиш Аллоҳни рози қилади;
29. Ғам-ташвишларни кетказади;
30. Хурсандчилик олиб келади;
31. Юзни нурли қилади;
32. Ризқ келишини осонлаштиради;
33. Истиффор айтган одамнинг дуоси қабул бўлади;
34. Аллоҳ истиффор айтувчининг оғирини енгил қилади;
35. Кўп истиффор айтган одам қиёмат куни номаи аъмолини кўриб хурсанд бўлади;
36. Оламдан ўтиб кетган ота-оналар фарзандлари айтган истиффор туфайли жаннатда юқори мартабага кўтарилишади;
37. Истиффор одамни тушкунликдан халос этади;
38. Ҳасрат-надоматни, пушаймонни кетказади;
39. Қалбни тиниқлаштиради;
40. Истиффор айтган одамнинг ризқи кенг бўлади, касб-корига барака киради...

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким саййидул истиффор –

كَذَّبَ وَوَلَّى كَذَّبَ عَلَىٰ أَنْ أَوْ كَذَّبَ أَنْ أَوْ يَنْتَقِلَ حَتَّىٰ تَنْتَهِىَ إِلَيْهِ أَلْأَلْ يَبْرَثُنَّ أَمْ هَلْ لِي

ءُؤُبَّأَوْ يَلَعَلَّ كَتَمُّعَنْبَلْ كَلْ ءُؤُبَّأُ تُتَعَنَّصْ أَمْ رَّشْ نَمَّ كَلْبُ ذُؤَعَا تُتَعَطَّسَا أَمْ
تَنْأَلْ أَلْ بُونُذَلْ أَرْفَعِي أَلْ هُنَّ إِيْلُ رُفْعُ أَيْ بِنِّ ذَبِّ

«Аллоҳумма анта роббий лаа илаҳа илла анта холақтаний ва ана ъабдука ва ана ъала ъаҳдика ва ваъдика мастатоъту аъзузу бика мин шарри ма сонаъту, абу`у лака биниъматика ъалайя ва абу`у бизамбий фағфирлий фаиннаҳу ла йағфируз зунуба илла анта»ни кечки пайт айтиб, тонг отгунича вафот этса, жаннатга киради. Ким тонгда айтиб, шу куни вафот этса, унда ҳам жаннатга киради», дедилар.

Маъноси: Аллоҳим, Сен парвардигоримсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени халқ қилдинг ва мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган нарсаларимнинг ёмонидан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман. Менга ато қилган неъматларингга иқрор бўлдим. Ва яна гуноҳларимга ҳам иқрор бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларни кечира олмайди.

Имом Бухорий ривоятлари.

Кунингизни истиғфор билан мунаввар этинг.

Хуршид Маъруф тайёрлади